Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 25 ноябрь, шанба. №144. (21.907) Сотувда эркин нархда.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

СУРАТЛАРДА: ишонч ёрлиқлари топширилаётган пайт.

А. ТЎРАЕВ олган суратлар.

23 ноябрь куни Австрия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Вальтер Зигль Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Элчи Ўзбекистон Президентига Австрия федерал Президенти Томас Кресселнинг қизғин саломини етказар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барқарор ривожланиб бораётганини таъкидлади.

— Сизнинг 1992 йил сентябрда Австрияга ташрифингиз ўзаро муносабатлар ривожининг чуққисидир, — деди В. Зигль. — Австрия Ўзбекистон амалга ошираётган ислоҳотларни диққат билан кузатиб бормоқда. Биз бу ислоҳотларнинг муваффақиятга эришиши ва Ўзбекистоннинг Европа тизимида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши йўлида кўмаклашишга тайёрмиз. Мен элчи сифатида бу эзгу ишга ҳисса қўшишдан бахтиёрман.

Президент Ислом Каримов Вальтер Зиглни Ўзбекистон заминига ташрифи ва юксак вазифага тайинланганги билан самимий кутлади.

— Австрия Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантиришга интилаётгани бизни қувонтиради, — деди, жумладан, Ислом Каримов. — Биз ҳам Австрия билан кўп томонлама алоқаларни тараққий эттириш тарафдоримиз.

Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов элчининг масъулиятли фаолиятида муваффақият тилаб, у Ўзбекистон раҳбариятининг ҳар томонлама кўмагига таяниши мумкинлигини қайд этди.

***

Шу куни Тожикистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Тожиддин Мардонов ҳам Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Т. Мардонов Тожикистон раҳбарияти ва халқи қардош Ўзбекистон билан азалий дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш тарафдори эканини қайд этар экан, ўз мамлакатининг Ўзбекистондаги илк элчиси сифатида бу жараёнга муносиб ҳисса қўшиш ниятидалигини айтди.

— Халқимиз бошига мушкул кунлар тушганида жаҳон жамоатчилиги эътиборини Тожикистонга қаратганингизни ва бизга кўрсатаётган иқтисодий ёрдамингизни юксак қадрлаймиз, — деди элчи. — Мен мамлакатларимиз ўртасида ўзаро тушуниш, яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик барқарор бўлиши учун барча воситаларни ишга солишга тайёрман. Бу борада Ўзбекистон ҳукуматининг хайрихоҳлиги ва кўмагига умид боғлашга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон Президенти элчини юксак ва масъулиятли вазифага киришгани билан қутлади.

— Тожикистонда рўй берган уруш бу мамлакатдаги барча соҳаларга салбий таъсир этди, — деди Ислом Каримов. — Бироқ, биз қардош Тожикистоннинг бу тангликдан чиқишига ишонамиз.

Ўзбекистон раҳбари Тожикистондаги вазият ҳақида фикр билдирар экан, экстремизмдан воз кечиш, муроса йўлини излаш, БМТ, ЕХҲТ каби халқаро ташкилотлар кўмагида тинчлик ва барқарорликка эришиш сиёсий тангликдан чиқишнинг бирдан-бир йўли эканини таъкидлади. Элчининг фаолиятига омад, қардош тожик халқига тинчлик ва бахт-саодат тилади.

(ЎзА).

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҚУДРАТЛИ ҚАНОТИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ МУХБИРИНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИ

Мухбир: Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич! Германия Федератив Республикасига қилган ташрифингиз ниҳоясига етди. Бундан икки йил аввал Сиз бу давлатни Ўзбекистоннинг Европадаги стратегик ҳамкори деб баён этган эдингиз. Бу жиҳатдан Сизнинг қарашларингиз ўзгармадими?

Президент: Бизнинг Германия билан муносабатларимиз изчил ва олга ривожланмоқда. Германияга қилган бу ташрифимиз тарихий аҳамиятга молик бўлди, десак янглишмаймиз. Моҳиятан биз кўп асрлик муносабатларимизни қайта тикладик, ҳамкорлигимизнинг янги босқичига қадам қўйдик.

Германия бугунги кунда дунёнинг манаман деган давлатлари сафига кирмоқда. Юксак саноат имкониятлари, халқ руҳий дунёсига сингиб кетган меҳнатсеварлик туфайли мамлакат дадил одим ташламоқда. Немислар кўлга киритаётган ютуқлар ҳар қандай одамни лол қолдиради. Мисол тариқасида уларнинг миллий валютаси — марканинг қувватини олайлик. Ўнлаб йилки, у ўз қийматида барқарор турибди. Мен уларга: «Германиянинг Ўзбекистонда стратегик манфаатлари борми?» деб савол бердим. Бу ерда «манфаат» сўзини турлича талқин қилиш мумкин. Стратегик манфаат деганда, кўплар дарров ҳарбий манфаатларни тушунишади. Мен эса стратегик манфаат деганда, биринчи навбатда иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги муносабатларни тушунаман. Шу маънода Германиянинг минтақамиздаги стратегик манфаатлари ҳақида гапирар эканман, мен авваламбор бизнесни кўзда тутяпман. Дарвоқе, Германиянинг Марказий Осиё минтақасида ўз манфаатлари бор. Шу ерда «Нима учун?» деган савол туғилиши табиий.

Немис дўстларимиз Тошкентни нафақат Ўзбекистоннинг пойтахти, нафақат Марказий Осиёнинг маркази, уни Шарқнинг дарвозаси деб ҳисоблайдилар. Буни немис стратеглари жуда яхши билишади. Мана шунинг ўзиёқ бизнинг ҳамкорлигимиз қандайдир ўткинчи фойдага қурилмагани, балки узоқ муддатли, икки томонлама манфаатлар асосида мустаҳкамланиб бораётганидан дарак беради. Бизнинг ҳамкорлигимиз қанчалик тез ривожланса, Германия ҳам, Ўзбекистон ҳам шунчалик кўп манфаат кўради.

Германия Президенти жаноб Херцог билан учрашувимизда биз кўп масалалар хусусида гаплашиб олдик, ечилмаган талай муаммоларни муҳокама қилдик. Мулоқот чоғида Херцог жанобларининг бизга хайрихоҳлиги сезилиб турди. Чунки у Ўзбекистонга қилган ташрифи чоғида мамлакатимиз вазияти ва имкониятларини яхши ўрганиб қайтган эди. Шу боис биз жуда самимий гаплашдик.

Бирор масала муҳокама этилаётганда, ўз-ўзидан аёнки, ҳар қайси томон ўз фикрида собит туради. Ўз манфаатларини илгари суради. Лекин биз Херцог жанобларига ўзимизни ташвишлантираётган муаммоларни, амалга оширажак ишларимизни ниҳоятда осон тушунтира олдик. Ҳозир айтганимдек, у Ўзбекистонда бўлганида салоҳиятимизни яққол тасаввур этган эди. Шу ўринда мен яна бир нарсани айтмоқчиман: мамлакатимизга чет давлатлар раҳбарлари, арбоблари, ижтимоий-иқтисодий соҳанинг вакиллари қанчалик кўп келса, мулоқотларимиз изчил тус олса, биз шунчалик кўп хурсанд бўлишимиз керак. Юртимизга ташриф буюрган ҳар қандай одам дастлаб ҳаётимизни, одамларимизни ўрганади. Ўз таассуротларига эга бўлади. Биз ҳақимиздаги ҳар қандай бўҳтон гапларга лаққа ишонавермайди.

Мухбир: Германияга бу галги сафарингиз марказида Штутгарт шаҳрида очилган «Ўзбекистон: Буюк ипак йўли мероси» кўргазмаси турди. Бунга сабаб нима?

Президент: «Ўзбекистон: Буюк ипак йўли мероси» кўргазмасининг очилиши муносабати билан биз бориб кўрган «Линден-музей» фақат Германияда эмас, балки Европадаги йирик маданий марказлардан бири ҳисобланади. Германия Федератив Республикасининг Президенти Роман Херцог жанобларининг шахсан ўзи бу кўргазманинг асосий ташаббускори ва ҳомийси бўлганлигини мамнуният билан таъкидламоқчиман. У ихтисоси бўйича тарихчи, шунинг учун Марказий Осиёнинг, Ўзбекистоннинг қадимий ва бой тарихини яхши билади. Мамлакатимизга ташриф буюрганида тарихий обидаларимиз билан яқиндан танишган. Юртимизга, халқимизга жуда катта ҳурмат билан қарайди. Шу боис жаноб Херцог мазкур кўргазманинг очилиш тантанасида иштирок этиш учун Бонн шаҳридан Штутгартга махсус ташриф буюрди.

Бу кўргазма мамлакатимизнинг минг йиллар давомида Шарқ билан Ғарбни боғловчи кўприк бўлган кўп асрлик тарихини ўзида ифода этади. Кўргазмада халқимизнинг буюк имкониятларини намойиш этувчи тарихий ашёларнинг намуналари тўпланган. Бу ерда ўзбек ва немис олимлари биргаликда топган қадимий маданиятимиз намуналари ҳам намойиш этилмоқда. Мен бунинг учун уларга чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Немис дўстларимиз ушбу кўргазмани кенг миқёсда ташкил этиш учун бебаҳо ҳисса қўшганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шуни айтиш керакки,

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Сўнгги вақтларда якка тартибда савдо-воситачилик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар ваколатли банкларнинг айирбошлаш пунктларига катта миқдорда нақд чет эл валютасини сотиб олиш учун кўплаб мурожаат қиляптилар.

Маблағларнинг тўла сақланиши ва амалга оширилаётган валюта айирбошлаш операцияларининг хавфсизлигини таъминлаш масалаларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки импорт молларни келтириш бўйича якка тартибда савдо-воситачилик фаолиятини амалга ошираётган тадбиркорларга ваколатли банк орқали Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси савдоларида сўмларни эркин айирбошланадиган валютага алмаштириш учун ҳуқуқ берадиган Марказий банк патентини белгиланган тартибда олишни тавсия этади.

Патент берилишини кўриб чиқиш ва уни Марказий банк томонидан бериш жараёни анча соддалаштирилган.

Бу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валютани тартибга солиш ва ташқи алоқалар департаментига қуйидаги телефонлар бўйича мурожаат қилинг: **33-38-62, 33-26-03, 33-45-11.**

МАРКАЗИЙ КЕНГАШДА УЧРАШУВ

23 ноябрь куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Словакия Республикасининг мамлакатимиздаги Бош консули И. Мачишак, унинг илтимосига биноан, қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов меҳмонга партиямизнинг дастурий ғоя ва мақсадлари, унинг тузилмалари, республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти, юртбошимиз И. А. Каримов раҳбарлигида ўтказилаётган ислоҳотлар сиёсатини амалга оширишдаги ўрни ҳамда кўпқиррали фаолияти ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Биринчи котиб меҳмонни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб берди, суҳбат дўстона вазиятда ўтди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Ҳ. Авезов иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

«Обуна — 96»

«Туркистон» мухбири «Ўзбекистон овози»га обуна бўлди

Тўрт хонали уйимнинг биттасини фақат кутубхона учун ажратганман. Жовонларга чет эл, Ҳамдўстлик давлатларида ва мустақил диёримизда нашр қилинган китобларни териб чиққанман. Уларнинг сони 30 мингтадан ошади. «Шарқ юлдузи», «Ёшлик», «Саодат» журналлари, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ўзбекистон овози», «Туркистон» газеталарининг бир неча ўн йиллик сонлари тахламларини авайлаб, сақлаб боряпман. Улардан истаганларимни деярли ҳар куни бир марта варақлайман, ўқийман.

Шундай газетхонларни биламанки, уйига борсангиз турли нашрлар, хусусан «Ўзбекистон овози»нинг бирнеча йиллик сонларини гард юқтирмасдан, кўз қорачиғидек сақлаётибди.

Мен қарийб 20 йилдан бўён «Ўзбекистон овози»нинг мухлиси эканлигимнинг бир қатор сабаблари бор. Аввало, бу севимли нашрда журналистиканинг турли жанрларида қизиқарли мақола, очерк, лавҳа ҳамда фельетонлар мунтазам эълон қилинаётир. Айниқса, «Унинг ҳам жони ширин эди...», «Умидлар мамлакати», «Харидорнинг кўнгли тўқми?», «Болажон, мактабда нимани ўрганяпсан?», «Ичингдаги тўғри чизиқ» сингари турли материаллар қайси газетхон қалбини асир этмаган, дейсиз?

Табиийки, илиқ фикрларни айтиш билан бирга айрим мулоҳазаларни ҳам билдиргим келади. Хусусан, газетада «Партия ҳаёти», «Инсон ва қонун», «Адабиёт саҳифаси» ҳамиша бериб борилса кўнгилдагидек бўлур эди.

Умуман олганда, ҳар йили «Ўзбекистон овози»га обуна бўлиб янглишмаётганимни, ҳар куни шу қизиқарли ҳамда нон каби азиз газетани қўлга олган паллада яна бир карра ҳис этаман. Шу боисдан бу йил ҳам яна шу газетага ёзилдим. Чунки уни ўқимаслик гўё қалбингга энг яқин, ажойиб фазилатли ва сирдош дўстинг билан мулоқотдан бебаҳра қолиш билан тенг бўлур эди.

Жовли ХУШБОҚОВ,
«Туркистон» газетасининг Сурхондарё вилояти бўйича мухбири.

«Ўзбекистон овози»нинг обуна баҳоси қуйидагича белгиланган:

Фуқаролар учун
бир йилга — 1086 сўм,
олти ойга — 543 сўм.
Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.
Корхона ва ташкилотлар учун
бир йилга—1210,80 сўм,
олти ойга — 605,40 сўм.
Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

Тошкент шаҳридаги обуначиларга етказиб бериш харажатлари кам бўлгани туфайли алоҳида обуна баҳоси белгиланди:

Фуқаролар учун
бир йилга — 876 сўм,
олти ойга — 438 сўм.
Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.
Корхона ва ташкилотлар учун
бир йилга — 1211 сўм,
олти ойга — 610 сўм.
Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А. МАРДИЕВНИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-(12 банди) ва 102-моддаларига мувофиқ Алишер Мардиев Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 21 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

П. М. АБДУРАҲМОНОВНИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Пўлат Мажидович Абдураҳмонов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Самарқанд вилояти ҳокими вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 21 ноябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А. МАРДИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Алишер Мардиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси адлия вазири вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 21 ноябрь.

Бу дунёнинг ишлари

ДАВЛАТ ДУМАСИГА НОМЗОД ҚАМОҚДА ЁТИБДИ

Нижегород вилоят суди Россия Давлат думасига мустақил номзод сифатида қатнашмоқчи бўлган таниқли ишбилармон Андрей Климентьевни 120-Канавинск сайлов округи рўйхатга олмаганлигини ноқонуний, деб топди. Номзод маҳаллий қамоқхонада ҳибсда бўлганлиги учун ўз вақтида ариза ва имзо қоғозларини топшира олмаган эди. Суд қароридан кейин сайлов комиссияси ўзининг дастлабки фикрини ўзгартириб, А. Климентьевни Давлат думасига номзод сифатида рўйхатдан ўтказишга мажбур бўлди.

Дарвоқе, илгари омади чопган бу бизнесменга бугунга келиб хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда давлат маблағларини катта миқдорда ўзлаштириб юборган, деган айб қўйилганди. Округ сайлов комиссиясининг А. Климентьевга нисбатан чора кўриш ҳақидаги илтимосномасини вилоят прокуратураси ҳам қўллаб-қувватламади. Ҳозирча ишбилармон Климентьев ўз сайлов компаниясини қамоқхонадаги камерадан туриб бошқармоқда.

МОСКВАДА ЗИЛЗИЛА ЮЗ БЕРИШИ МУМКИНМИ?

Дарвоқе, Россия пойтахтида «Яқин вақт ичида Москвада зилзила юз берармиш», деган мишмиш тарқалиб кетди. Айниқса, «Останкино» телемарказидаги ёнида яшаётганлар бу хабарни эшитганларидан сўнг катта минора тагида қолиб кетишдан жуда хавфсираб қолишди. Ер физикаси институтининг илмий котиби Андрей Артамоновнинг фикрига кўра, «Ҳеч қандай хавфсирашга ўрин йўқ. Чунки, Москвада уч асрдан бўён бирон бир ер қимирлаши қайд этилмаган. Фақат 40- ва 70-йиллардаги Руминияда юз берган кучли зилзиланинг бир озгина таъсири сезилган холос. Шу боис миш-мишларга ҳеч қандай ўрин бўлмаслиги керак».

ИККИ ҚЎЧҚОРНИНГ БОШИ...

Ўтган якшанба куни Польшада президентлик сайловларининг иккинчи тури бўлиб ўтди. Президентликка даъвогарлар — «Солидарность» касаба уюшмаси ҳаракатининг раҳбари, Лех Валенса ва Демократик сўл кучлар иттифоқи раҳбари Александр Квасьневский эди. Биринчи тур сайлов натижаларига кўра 35,11 фоиз сайловчилар А. Квасьневскийни, 33,1 фоизи Лех Валенсани, 9,22 фоиз овоз беришда қатнашганлар эса собиқ меҳнат ва ижтимоий сиёсат вазири Яцек Куронни қўллаб-қувватлашганди. Иккинчи турга энг кўп овоз олган юқоридаги икки вакил ўтишди, холос.

Очигини айтганда, сайловолди кампанияси қизғин тус олди. Лех Валенса тарафдорлари мухолифатдаги номзод камчиликларини «очиш»га ҳаракат қилган бўлса, Демократик сўл кучлар иттифоқи вакиллари ҳам Валенсанинг «бўш нуқталарини» сайловчиларга маълум қилишга уринди.

Бир қозонда икки қўчқорнинг боши қайнамас, дейдилар. Якшанба кунги сайловлар бу мақолнинг бежиз айтилмаганлигини тасдиқлади.51,72 фоиз овоз билан Александр Квасьневский ютиб чиқиб, мамлакат Президенти этиб сайланди.

(Чет эл ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҚУДРАТЛИ ҚАНОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

немислар диёрида ҳеч қачон қадимий заминимиз тарихи, маданияти, анъаналарини ёрқин акс эттирувчи бу қадар йирик кўргазма намойиш этилмаган эди.

Биз ушбу тадбирга алоҳида аҳамият бераётганимиз бежиз эмас. Чунки Штутгарт кўргазмаси Ўзбекистон—Германия муносабатларида янги босқич бошланганини кўрсатмоқда.

Ҳаммамиз яхши биламизки, биринчи босқичда германиялик ишбилармонлар Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли алоқа боғлаган эдилар. Германиянинг «Даймлер-Бенц», «Алкатель», «Сименс», «Крупп», «Тиссен» каби йирик компания ва фирмалари Ўзбекистон билан яқиндан танишиб, Ўзбекистонни ўзининг бизнес қиладиган жойи сифатида танлаб, сармояларини олиб келмоқда, қўшма корхоналар ташкил этиб, давлатларимиз ўртасида ўзаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда.

Иккинчи босқичда Ўзбекистон ва Германия ҳукуматлари ҳамда парламентлари тарафидан имзоланган шартномалар ва бошқа тарихий ҳужжатлар давлатлар орасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларни яхшилашга, парламентларимиз ва жамоат ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни кучайтиришга асос бўлди.

Мана шулар туфайли «Ўзбекистон: Буюк ипак йўли мероси» кўргазмасига Германиянинг кенг жамоатчилиги ниҳоятда катта қизиқиш, айрича ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлди. Унинг тантанали очилиш маросимида жуда кўп одамлар, жумладан, мамлакат пойтахти Бонн шаҳрида жойлашган кўплаб давлатлар элчихоналари ва ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этдилар.

Ҳозир Ўзбекистон — Германия муносабатларида янги — учинчи босқич бошланмоқда. Иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик, расмий алоқалар, жамоат ташкилотлари ўртасидаги бордикелдиларимиз янги мазмун билан тўлдириляпти. Яъни маданий-маънавий соҳаларда, бирбиримиз билан миллий қадриятлар даражасида яхшироқ ва яқинроқ танишиб оляпмиз. Мен ифтихор билан шуни айтмоқчиманки, биз Германияни жуда яхши биламиз. Нимага деганда, ўзбеклар, Ўзбекистон болалари, умуман бизнинг фуқароларимиз Германия тарихини, Германиянинг бугунги шароитини, бугунги салоҳиятини мактаб ва институтларда яхши ўрганишади. Лекин ўз навбатида, Ўзбекистонни Германияга таништириш катта масала сифатида кун тартибига чиқмоқда. Менимча, бу масаланинг ҳам сиёсий, ҳам маънавий аҳамияти бор. Чунки иқтисодий ва расмий алоқалар, давлат раҳбарлари ва жамоат арбобларининг ўзаро муносабатлари ўз йўли билан давом этаверади. Агарда немис халқи бизнинг маданиятимизни билмаса, улуғ аждодларимиз қолдирган бой мерос билан яқиндан танишмаса, ўзаро алоқаларимиз қандайдир юзаки бўлиб қолади. «Юзаки» дейишимнинг сабаби шуки, фақат иқтисодий манфаатга асосланган ҳамкорликнинг тагзамини мўрт бўлади. Тўғри албатта манфаат ҳамма жойда бўлиши керак. Лекин иқтисодий манфаат маданий, руҳий манфаат билан чамбарчас боғланганда алоқалар узоқ давом этади ва ҳаётбахш мевалар беради. Халқларнинг, миллатларнинг бир-бири билан маънан боғланиши шунинг учун ҳам беқиёс аҳамиятга эга. Тарихий эврилишлар мана шу шароитда содир бўлади. Шу сабабли Германия билан изчил алоқа ўрнатмоқчи бўлсак, аввало немис халқини тарихга теран илдиз отган ўзимизнинг бой маданиятимиз билан ошно этмоғимиз даркор.

Токи, бизнинг қонимизда, бизнинг суягимизда, бизларнинг наслимизда қандай улуғ маданият бўлганини, биз нечоғлик буюк маданият ворислари эканимизни дўстларимиз ҳам билишсин. Бу мақсадни амалга оширишни шахсан ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб ҳисоблайман.

Бугун биз ўтказаётган ислоҳотларда маънавият соҳасидаги вазифалар менинг учун асосий масала бўлиб қолмоқда. Нимага деганда, бозор иқтисодини қуриш мумкин. Янги ҳаётни ҳам, албатта, барпо этамиз. Халқимизнинг ҳаёт даражасини ҳам кўтариб оламиз. Ишсизлик бартараф этилади, одамларнинг даромади яхшиланади. Лекин одам нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки, менинг назаримда, аввало маънавий жиҳатдан бақувват бўлиши шарт. Яна бир бор такрор айтаман: илдизи бақувват, яъни руҳан бардам, онги тийрак, маънавий нуқтаи назардан юксак кишилар билан олдимизда турган барча муаммоларни ҳал этиш осон кечади.

Мухбир: Германия раҳбарлари билан музокаралар олиб борганингизда сиз бот-бот хавфсизлик тўғрисида гапирдингиз. Кўплар бу сўзга ҳарбий-стратегик маъно юклашади. Сиз бу сўзга қандай маъно юклагансиз?...

Президент: Менинг фикримча, ҳамкорлик ва хавфсизлик сўзларини ажратиб бўлмайди. Хавфсизлик деганда, авваламбор жамият барқ ororлиги, фуқаролар ва миллий тотувликни тушуниш керак. Бунга экологик хавфсизлик ва ҳоказо хавфсизликларни қўшиш мумкин. Ахир хавфсизлик—инсон, оила осойишталиги, эртанги кунга ишонч эмасми?!.. Барқарорлик ва хавфсизликни мен айнан шундай тушунаман.

Германия қудрати ҳақида гапирар эканман, мен доимо унинг бирлашишини назарда тутаман. Бир вақтлар ГДР социализм машъали саналарди. Ғарбий ва Шарқий немис давлатлари бирлашгандан сўнг янги заминлар федерал ҳукуматга қанчалик ташвиш келтирди. Олти йилдирки, Германия ҳукумати Шарқий қисмига ҳар йили 100 миллиард немис маркаси аж ратмоқда. Ақл бовар қилмайдиган маблағ! Агар биз ҳам мана шундай инвестицияга эга бўлганимизда борми, иқтисодиётимизни ислоҳ қилишдаги мураккаб муаммоларни анча тез ҳал этардик. Ана энди, шунча маблағни сарфлашдан мақсад нима, деган савол устида бир ўйлаб кўрайлик. Бунга жавоб бериш жуда осон. Мақсад — иқтисодиётни кўтариш, одамлар турмушини фаровон этиш. Немислар қисқа муддатда катта муваффақиятларга эришишди. Улар бошқарув тизимини бутунлай қайта қурдилар. Мен, Германия тажрибасини ўрганиш керак, деганда биз етмиш йилдан ортиқ яшаган тоталитар, маъмурий-тақсимлаш тизимини улар қандай қилиб барҳам топдирганини кўзда тутаман. Бир тузумдан иккинчи тузумга ўтиш мураккабликларини улар ҳам англаб етишган. Уларнинг бу жиҳатдан тажрибаси бизга жуда-жуда асқотади.

Мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, давлатимизнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласи бевосита маънавият масалалари билан боғлиқ кетади. Кўшни Афғонистон ва Тожикистонда давом этаётган нохушликларни, шимолдаги жараёнларнинг кўпгина нозик жиҳатларини ҳисобга олсак, халқимиз, миллатимиз, авваламбор мана шу заминда яшаётган, Ўзбекистонни ўзининг муқаддас Ватани деб билган одамлар маънавий баркамол, ақл-заковати бақувват бўлса, бизни ҳеч қандай куч енголмайди. Шу сабабли ҳам маънавият масаласи биз учун айниқса муҳимдир.

Ота-боболаримиздан бизга бой маънавий мерос қолган. Энди бизнинг қонимизга кўчган, бизнинг насл-насабимизга хос ўша улкан маънавий салоҳиятни янада юксалтиришимиз, уни фарзандларимизга, келажак авлодларимизга муносиб мерос қилиб қолдиришимиз керак. Қурилаётган бу катта корхоналарга, улкан иншоотларга, барпо этилаётган озод ва обод Ватанга ҳар томонлама етук, бардам, бақувват авлод биздан ворис бўлиб қолсин. Улар маънавий жиҳатдан биздан юксак даражаларга етишсин. Шундагина ўзимизни миллатимизга мос муносиб ҳаёт кечирдик, тарих олдида, фарзандларимиз олдида ўз бурчимизни бажардик, деб ҳисоблашга ҳақли бўламиз.

Германияда халқимизнинг миллий хусусиятлари, фазилатларимиз тўғрисида гап кетганда, немис дўстларга ота-боболаримиздан қолган бир ҳикматни шундай шарҳлаб бердим: одамзод дунёга келгач, умри давомида уч мақсадни кўзлаб яшамоғи лозим. Авваламбор Оллоҳ таоло марҳамати билан инсоннинг изидан фарзанд қолсин. Шу фарзандни ҳар томонлама соғлом, маънавий баркамол қилиб тарбиялаб, ўзининг ишларини унинг қўлига топширсин. Фарзанд отасининг ишларини, керак бўлса, ундан ҳам ўтказиб давом эттирсин — бу биринчи мақсад. Иккинчи — уй қуриш. Уй деганда мен оддий иморатни эмас, фарзандларимизга қолдирадиган обод ва озод Ватанни назарда тутаман. Инсон ҳаётининг учинчи маъно-мақсади — дарахт экиб, боғ яратиш. Дарахт ўстириш, боғ барпо этиш, мана шу заминимизни гуллаб-яшнатиш, уни обод қилишдек савобли иш йўқ дунёда. — Мана шу уч мақсадга эришган одам ўз ҳаётидан мамнун ўтади. Ундан фақат яхши хотира қолади.

Ота-боболаримиздан қолган бебаҳо ёдгорликлар — минг, икки минг йиллик тарих бизнинг ўзимизга ҳам, ҳеч қачон ҳеч ким ҳеч ким ҳеч ким

UZBEKISTAN airways

ПАРВОЗДА ИМТИЁЗЛИ ЧИПТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси қуйидаги тоифа йўловчиларга ўз йўналишларида мавсумий имтиёзларни ҳавола этади:

1995 йил 1 октябрдан 1996 йилнинг 31 декабригача мувофиқ даврда 50 фоиз:

— фуқаролар ва иккинчи жаҳон уруши ногиронларига ва уларга тенглаштирилган шахсларга;

— қўшинларда ва ИИВ маҳкамаларида ҳарбий хизматни ўташ чоғида орттирилган умумий касаллик оқибатида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар ва бошқа шахсларга;

— I гуруҳ ногиронларига йўлда ҳамроҳ бўлган шахсларга (сийлов олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир ногиронга битта йўлдошдан кўп эмас).

Мазкур имтиёзлар ушбу тоифа йўловчилар Ўзбекистон Республикаси фуқароси эканлиги ёхуд эмаслигидан қатъи назар уларга берилади.

Санаторийга даволаниш учун бориб-келиш чоғида Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган 15—17 ёшдаги ўсмирларга (1995 йилнинг 31 декабригача).

1995 йил 15 декабрдан 1996 йилнинг 15 мартигача мувофиқ даврда 50 фоиз:

— Ўзбекистон Республикасида истиқомат қиладиган ва фуқаро авиацияси олий ва ўрта махсус билим юртларининг аспирантларига, талабаларига, тингловчиларига, курсантларига, ФА ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК корхоналари учун ходимлар тайёрлаш бўйича ихтисослашган гуруҳларда кундузги таълим олаётганларга.

1995 йил 15 декабрдан 1996 йилнинг 15 мартигача мувофиқ даврда 30 фоиз:

— Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи олий ва ўрта махсус билим юртларида, шунингдек, МДҲ мамлакатларида таҳсил олаётган талабалар, ўқувчиларга (Имтиёзлар талаба кундузги таълим олаётган ўқув юрти кўрсатилган доимий яшаш жойи тўғрисидаги маълумотнома асосида берилади).

Уруш ногиронларига ва иштирокчиларига, шунингдек фуқароларнинг бошқа тоифаларига бериладиган ҳаво нақлиёти йўлкирасига имтиёзлар тўғрисида ахборот.

Амалдаги қонун-қоидаларга, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорларига ва МДҲнинг давлат бошлиқлари имзо чеккан «Улуғ Ватан уруши ногиронлари ва иштирокчилари, шунингдек, уларга тенглаштирилган шахсларнинг имтиёзли йўл ҳақи ҳуқуқларини ўзаро тан олиш тўғрисида»ги Битимига мувофиқ ҳуқуқ берилади:

— ЧАЭС ҳалокатини бартараф этувчилар сафида бўлган ногиронларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаво нақлиётида йилда бир марта (боришга ҳам, келишга ҳам) йўлланма бўйича даволаниш жойигача текин йўлкира.

Йилда бир марта (боришга ҳам, келишга ҳам) йўлкира баҳосидан 50 фоиз сийловдан фойдаланиш ҳуқуқи берилади:

— биринчи жаҳон ва фуқаролар уруши ногиронларига;

— собиқ ССР Иттифоқини ҳимоя қилиш ёхуд ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларини ижро этиш чоғида жароҳат орттириш, контузия ёки мажруҳ бўлиш оқибатида ёйинки бошқа даврларда фронтда бўлиш билан боғлиқ касалликлар оқибатида мажруҳ бўлиб қолган ҳарбий хизматчилардан бўлмиш ногиронларга, шунингдек фуқаролар уруши партизанлари орасидан бўлган ногиронларга;

— Совет Иттифоқи Қаҳрамонларига ва «Шуҳрат» орденининг учала даражаси билан тақдирланганларга;

— иккинчи жаҳон уруши ногиронларига;

— собиқ ССР Иттифоқи ИИВ ва ДХҚнинг хизмат мажбуриятларини ижро этиш чоғида жароҳат орттириш, контузия ёки мажруҳ бўлиш оқибатида ногирон бўлиб қолган қўмондонлар ва оддий аскар таркибидан бўлган ногиронларга;

— собиқ Украина ССР, Белоруссия ССР, Литва ССР, Латвия ССР ва Эстония ССР ҳудудларида 1944 йил 1 январдан 1951 йилнинг 31 декабрига мувофиқ даврда ҳаракат қилган қирувчи батальонлар, взводлар ва халқ ҳимояси отрядлари орасида бўлган ва хизмат мажбуриятларини ижро этиш чоғида жароҳат орттириш, контузия ёки мажруҳ бўлиш оқибатида ногирон бўлиб қолган ногиронларга;

— фуқаролар уруши ва ҳаракатдаги армиялар таркибига кирган ҳарбий қисмларда, штабларда ва муассасаларда хизматни ўтаган собиқ ССР Иттифоқини ҳимоя қилиш бўйича жанговар операциялар иштирокчилари орасидан бўлган ҳарбий хизматчиларга, собиқ партизанларга;

— иккинчи жаҳон уруши даврида ҳаракатдаги армиялар таркибига кирган ҳарбий қисмларда, штабларда ва муассасаларда рўйхатдаги лавозимни эгаллаган собиқ Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, собиқ ССР Иттифоқининг Ички ишлар ва давлат хавфсизлиги маҳкамаларининг эркин ёлланган таркибидан бўлган шахсларга ёхуд ҳаракатдаги армия қисмлари ҳарбий хизматчилари учун белгилаб қўйилган имтиёзли шартлар билан пенсия тайинлаш учун шаҳарлар мудофаасида иштирок этиш етарли бўлган ушбу шаҳарларда ўша даврда бўлган шахсларга;

— Афғонистондаги жанговар ҳаракатлар чоғида ёхуд жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда жароҳат орттирган, контузия ёхуд мажруҳ бўлган ҳарбий хизматчилар, ишчилар ва хизматчиларга;

— собиқ ССР Иттифоқини ҳимоя қилиш чоғида ёхуд ҳарбий хизматнинг бошқа мажбуриятларни ижро этиш пайтида жароҳат орттириш, контузия ёхуд мажруҳ бўлиш, ёйинки фронтда бўлиш билан боғлиқ касалликлар оқибатида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига ва беваларига;

— иккинчи жаҳон урушида фашистлар ва уларнинг иттифоқчилари барпо этган концлагерлар, геттолар ва мажбурий тутқунлик ерларининг собиқ балоғат ёшига етмаган маҳбусларига;

— 1941 йил 8 сентябрдан 1944 йилнинг 27 январига мувофиқ даврда собиқ Ленинград корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида ишлаган ва «За оборону Ленинграда» медали, шунингдек «Жителю блокадного Ленинграда» нишони билан тақдирланган шахсларга;

— иккинчи жаҳон уруши даврида Қизил Армия сафларида бўлган ҳолатига ўтказилганлар ва ҳаракатдаги фронтлар ёхуд ҳаракатдаги флотлар тезкор минтақаси манфаатлари йўлида топшириқларни бажарган махсус тузилмаларнинг собиқ хизматчиларига;

— иккинчи жаҳон уруши I гуруҳ ногиронлари, уларга тенглаштирилган шахсларга йўлда ҳамроҳ бўлган (бир кишидан ортиқ эмас) шахсларга:

Йилда бир марта 50 фоиз сийлов йўлкираси (боришга ҳам, келишга ҳам) ҳуқуқига эга бўлган шахсларга уларнинг танлови бўйича икки йилда бир марта (боришга ҳам, келишга ҳам) кўрсатилган нақлиётга текин йўлкира берилади.

Собиқ ССР Иттифоқининг тегишли идоралари ва 1.01.93 йилгача амалда бўлган шаклда имтиёзли йўлкира ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг доимий яшаш жойига кўра Томонлар тарафидан берилган гувоҳнома ва варақа-талон имтиёзли чипта олиш учун асос бўлади.

Изоҳлар ва қўшимча маълумотлар учун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси чиптахоналарига мурожаат этинг!

ДИҚҚАТ! МАКНИНГ БАРЧА МАҲАЛЛИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИДА АВИАЧИПТАЛАРГА 10 ФОИЗ СИЙЛОВ БЕРИЛАДИ, ТОШКЕНТ—САМАРҚАНД ВА ТОШКЕНТ — ФАРҒОНА ЙЎНАЛИШЛАРИДА ЭСА ЧИПТАЛАРНИНГ БАҲОСИ 50 ФОИЗГА ТУШИРИЛГАН.

АВИАРЕКЛАМА

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 27

ЎзТВ I

7.00 «Ҳафтанома».
7.30 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.
10.00 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
10.30 «Малласоч малика». Бадиий фильм.
11.50 — 13.00 «Қўшигимдасан, Ватан!». Телевизион танлов тақдимоти.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ҳаёт». «Нурли манзил остонаси». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ҳаёт». «Кафтимдаги сайёра». Публицистик кўрсатувнинг давоми.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Ҳаёт». «Олам гўзал мунаввар-ликда». Публицистик кўрсатувнинг давоми.
23.55 Эълонлар.
24.00 «Ахборот».
00.15 — 00.45 «Обид — А» театри намойиш этади.

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Тафсилот». Ахборот кўрсатуви.
19.15 «Деҳқон ҳиммати». Паркент туманидан кўрсатув.
19.45 «Тошкентнома».
20.45 «Бу разведкада бўлган эди». Бадиий фильм.
22.15 — 22.45 «Спорт-тайм».

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Мовий ҳалқа бўйлаб». Телефильм.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20 — 21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.40 «Қуёш шуъласи остида». Телефильм.

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
*
«ОМАД» таништиради:

19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 Эълонлар.
21.15 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.25 Эълонлар.
21.30 — 23.10 Видео — «О».

СЕШАНБА, 28

ЎзТВ I

7.00 «Ахборот».
7.20 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Абдулла Қаҳҳор».
9.30 Немис тили.
10.00 «Ёшлик» студияси. «Мактубларингизни ўқиб...»
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 «Нурли сиймолар». Кинокўрсатув.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
12.00 «Томоша». Фильм-концерт.
12.30 — 14.30 «Умидлар йили». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун фильм.
18.40 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Сарви гулрў келмади». Навоий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Оқ қоплоннинг зурриёти». Бадиий фильм. 1 — 2-сериялар.
23.35 Эстрада тароналари.
23.55 Эълонлар.
24.00 — 00.15 «Ахборот».

ЎзТВ II
«ОМАД» таништиради:

18.30 «Мультфейерверк».
18.45 «Табиат дунёси». Оммабоп кўрсатув.
19.35 «Хусусийлаштириш: қадам-қадам».
19.55 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 «Видеогид».
21.30 «Теле-ателье-шоу».
21.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.20 — 24.00 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Гребешок». Телефильм.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.50 «Бу ажиб дунё».

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Ўрлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.15 «Дидар» (қозоқ тилида).
20.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.55 «Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан».
22.35 — 23.35 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.

ЧОРШАНБА, 29

ЎзТВ I

7.00 «Ахборот».
7.20 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Унутма мени». Киноконцерт.
9.35 Инглиз тили.
10.05 «Фахрийлар — фахримиз».
10.55 «Алифбо сабоқлари».
11.25 «Ким топди?» Телеўйин.
12.20 — 13.50 «Доктор Жекил ва мистер Хайданинг ажойиб саргузаштлари». Бадиий фильм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ҳазинамиз таянчи». Иқтисодий кўрсатув.
18.40 «Саньат олами». Кулол Маҳмуд Мамажонов.
19.15 «Фаровон турмуш учун». Тошкент шаҳрини газлаштириш ҳақида.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 Спорт хабарномаси.
20.15 «Ўзбек киносининг барҳаёт саҳифалари».
*
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ахборот».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Шаҳар бедарвоза эмас...» Публицистик кўрсатув.
22.00 Саньат усталари ижросида концерт.
22.55 Уйғун, Иззат Султон. «Алишер Навоий» асарининг яратилиши ҳақида.
23.55 Эълонлар.
24.00 — 00.15 «Ахборот».

ЎзТВ II
«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 «Дарсга қўнғироқ».
19.20 «Оқ соя».
19.50 «Ҳалқ саломатлиги йўлида».
20.15 «Тошкент оқшомида».
21.15 — 22.45 «Кинематограф».

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Витим соҳиллари», «Тоғ наволари». Телефильмлар.
*
РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00
* * *
18.20 — 21.40
*
РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20
*
23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 00.15 «Дунё табиати».

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.
*
19.40 «Мультқарусель».
*
«ОМАД» таништиради:

19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 — 23.50 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

ПАЙШАНБА, 30

ЎзТВ I

7.00 «Ахборот».
7.20 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 «Одам-амфибия». Бадиий фильм.
